



ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ФУТБОЛ СПОРТ ТУРИНИНГ ЎРНИ

А. Турақулов

Наманган давлат университети,

мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7234639>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 05th October 2022

Online: 19th October 2022

KEY WORDS

Шахс, ижтимоийлашув, девиантлик хулқ-атвор, ватанпарварлик, давлат рамзлари, дўстлик, қўллаб-қувватлаш, миллий ғурур, спорт, футбол, тарбия, фикрлаш, масъулият, Идгай Тазетдинов, маҳорат

ABSTRACT

Мазкур мақолада шахснинг ижтимоийлашуви ва ёшлар ўртасида девиантлик хулқ-атворнинг салбий таъсирини олдини олишда футболнинг роли, ватанпарварликни ривожлантиришда, давлат рамзларига бўлган ҳурматни оширишдаги ўрни. Футбол орқали ёшларда жамоага қўшилиш, жамоа билан ишлаш, ўз вазифасига масъулият, миллий ғурур, дўстлик, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш, қонун-қоидаларга риоя этиш каби бир қатор ижобий жиҳатлар шаклланади.

“Фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият манбайи бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки биз учун ёт бўлган ғояларни ёшларимиз онгига сингдираётган зарарли ахборотлар асосида шаклланишига мен мутлақо қаршиман”¹. Бугунги кунда ёшларни жамият келажаги йўлида муҳим инсонлар этиб тарбиялаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Уларни девиантлик хулқ-атворлар таъсиридан асрашда турли услублардан фойдаланишмоқда.

“Ижтимоийлашув шундай жараёнки, унда ожиз чақалоқ ўзи туғилган маданиятнинг моҳиятини тушунадиган,

ўзини-ўзи англай оладиган ақлли мавжудотга айланиб боради. Ижтимоийлашув бола ўзи мулоқотга киришаётган нарсалар таъсирини пассив қабул қиладиган “маданий программалаштириш”нинг кўринишларидан бири эмас. Ҳаётнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб чақалоқ зарурат ва эҳтиёжлар сеза бошлайдики, улар у ҳақда ғамхўрлик қилиши лозим бўлган катталар хулқ-атворида таъсир ўтказди.

Ижтимоийлашув турли авлодларни бир-бири билан боғлайди. Маданий ривожланиш чақалоқлик ва илк болалик даврида кейинги даврларга қараганда интенсивроқ давом этса ҳам, ўқиш-ўрганиш ва мослашиш инсоннинг бутун

¹ Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan quramiz. - T.: O 'zbekiston, 2017. -B. 469



ҳаётида давом этади.”² Ижтимоийлашув шахснинг ҳаёти давомида амал қиладиган урф-одат ва қадриятлар, ижтимоий меъёрларни ўзлаштиришига нисбатан айтилади. Ижтимоийлашувнинг илк босқичи оилада бошланади.

Болаларнинг спортга оид бўлган ҳаракатларни амалга ошириш имкони 3-4 ёшда шаклланади. Мазкур даврда ота-оналар назоратида болалар рақобат мавжуд бўлмаган спорт ҳаракатларини амалга оширадilar. 6-7 ёшдан бошлаб болаларда қатъий қоидаларга асосланган ва рақобатли ўйинларга бўлган қизиқишлари ортиб боради. Айнан шу жараёни ижтимоийлашувдаги янги босқич деб атасак бўлади. Чунки бу босқичда аввалгидан фарқли ўлароқ курашларнинг мавжудлиги, ўйин давомидаги жараёнда қай даражада иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади. Спортда инсоннинг ижтимоийлашувида асосий ролни ота-оналар, ака-укалар, тенгдошлар, ўқитувчилар, мураббийлар, оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлган элита спортчилар ўйнаганлар. XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб мазкур жараёнда ота-оналар ва ака-укалар таъсири пасайиб, мураббийлар ва машҳур спортчиларнинг аҳамияти ошиб борди. Бунда албатта, оммавий ахборот воситаларининг роли юқори ҳисобланади. Спорт орқали ижтимоийлашувнинг аҳамияти юқори бўлиб мисол сифатида, мактаблардаги жисмоний тарбия дарслари ва давлат томонидан ташкил этиладиган ва

қўллаб-қувватланадиган болалар иштирокидаги спорт мусобақаларини айтишимиз мумкин.

Жамиятда шахснинг ижтимоийлашувида футбол спорт турининг ўзига хос роли бўлиб, бошқа спорт турларига солиштирганимизда салмоқли ўринни эгаллайди. “Тан олиб айтаманки, агар футбол спорт тури бўлмаганида эҳтимол жамиятга зарар келтирувчи жиноятчи бўлишим мумкин эди. Футбол билан машғул бўлиш менга катта шон-шуҳратдан ташқари жамиятда муносиб ўз ўрнимни топишимда кўмаклашди”³. Футбол спорт турининг бошқа спорт турларидан қувноқлиги, қоидаларининг ўзига ҳослиги, тушунарлилиги бўйича соддалиги кўпчиликни мазкур спорт тури атрофида жамланишига хизмат қилади. Аксарият ота-оналар фарзандларига ўйинчоқ танлашда ҳам асосан тўпга мурожаат қилганликларига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Яна қўшимча сифатида айтишимиз мумкинки, дунёнинг кўплаб кийим ишлаб чиқарувчи компания ва фирмалари ишлаб чиқарган маҳсулотлари айнан футбол ўйнашга қулайлиги ва ундаги суратларда футбол мавзусига кўп мурожаат қилинганлиги ҳам ушбу спорт турининг ёшлар ўртасида кенг оммалашганлигини кўрсатади. Футбол спорт тури билан шуғулланиш учун ҳам кўча ёки маҳалла шароитида ўйнаш энг қулай спорт тури ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёшларнинг вақтларини мазмунли ўтказиш учун дунёнинг аксарият давлатларида футболга мурожаат қилишади. Мамлакатимизда

² Энтони Гидденс, Социология-Тошкент: Шарқ, 2002.-Б. 81.

³ Nakata H. Amore Pace. -Osaka: Japanese. 2003. -P. 10.



ҳам 2021 йилдан буён ёшлар ўртасида ДХХ (Давлат ҳавфсизлик ҳизмати) кубоги, “Маҳаллага-маҳалла, Students-cup турнирлари ўтказилиб келинмоқда. “Миллий ғурур- шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўзини-ўзи англаши асосида шаклланидиган аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча”⁴. Футбол спорт тури билан машғул бўлган ҳар қандай ёш профессионал спортчи сифатида етишмаслиги табиий. Лекин, ёшлардаги мазкур спорт турига бўлган муҳаббат, стадионларда миллий терма жамоаларини қўллаб-қувватлаши улардаги ватапарварлик сифатларини шакллантиради. Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирокидаги футбол учрашувларида мамлакат байроғини кўтарган, жўр бўлиб давлат мадҳиясини кўйлаётган ёшларни кўп кузатамиз. Ўз навбатида футбол муҳлислиги ёшларда миллий ғурурни оширишда муҳим ўринга эга.

“Менда футболга меҳр беш-олти ёшларимда уйғонган бўлса керак. Эсимни таниганимдан бери тўпга ошноман! Маҳалламиз адоғидаги, қачонлардир чим ётқизилган-у, аммо тақир жойга айланган ўйингоҳга футболдаги илк қадамларимни қўйганман. Болаларга қўшилиб, футбол ўйнашни бошлаганимни жуда яхши эслайман. Ўша ўйингоҳ менга жуда ҳам қадрли.”⁵ Кўчада тенгдошлари билан тўп

тепиб футболга қизиқиши ортган болаларнинг оилавий муҳитида ҳам футболга бефарқ бўлмаган инсонлар мавжудлиги ва улар билан футбол мавзусидаги суҳбатлар ва муҳокамаларнинг мунтазам бўлиши уларнинг қизиқишлари жиддийлашиши ва футбол спорт турига касб сифатида қараш имконини беради. “Узоқ йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, фаолиятим давомида кўплаб кўча тарбиясини олган, жиноятга мойил бўлган ёшларни футбол воситасида ватанпарвар, майдонда ва унинг ташқарисида соғлом фикрлай оладиган профессионал спортчилар қилиб тарбиялай олдик. Бунинг замирида футбол кучи ва қудрати мавжуд”⁶.

Болалигида илк футбол сабоғини кўча футболдан олган, кейинчалик профессионал футболда муваффақиятга эришган ва футболнинг “миллионлар ўйини” бўлишида ҳизмат қилган футболчилар жаҳон футболда кўпчиликни ташкил этадилар. Уларнинг фаолиятларида ватанпарварлик, футболга садоқат, сабр-бардош жиҳатлари билан бутун дунёга шахсий намуна бўла олганлар. Жамиятда шахсий намунанинг ижтимоийлашувдаги ўрни катта аҳамиятга эга. Футбол бошқа спорт турларидан фарқли равишда турли характердаги ёшларни бир жамоада жамлай олиш хусусиятига эга. Жамоа таркибида ҳар кимнинг ўз табиатидан келиб чиққан позициялари шаклланади. Бу жараёнда ҳеч қандай мураббий иштироки ёки буйруғисиз дарвозабон,

⁴ Фалсафа қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. –Б. 268.

⁵ Одил Аҳмедов «Орзунинг шонли йўли»- Тошкент: Янги китоб, 2021.-Б. 5.

⁶ Cruyff J. My Turn. –Amsterdam: Sport. 2010. –P. 90.



ҳимоячи ва ҳужумчи позицияларига бўлинадилар. Дарвозабон позициясидан бошқалардан вазн жиҳатдан ва гавда тузилиши жиҳатидан ажралиб турувчи болалар ўрин эгаллайдилар. Ҳимояда анча босиқ, мурасага кўнувчи, жисмонан бақувват, ҳужумларни бузишга асосланган ёшлар ҳаракат қиладилар. Ярим ҳимояда ақлли ва тўғри фикрлай оладиган, ўйинни ўқий олиш қобилиятига эга ёшлар ўрин эгаллайдилар. Ҳужумда эса бироз эмоцияга бойроқ, уйда эркатой бўлган ёшлар ўйнайдилар. Бугунги кунда компьютер технологиялари, интернет тармоғи каби соҳаларнинг кенг ривожланиши ёшларда спортга бўлган эътиборни пасайишига олиб келди. Айнан футбол ёшлардаги камҳаракатлиликни олдини олиб соғлом ривожланишларига замин яратади. XX аср бошларида футбол алдовга асосланган спорт тури деган қараш шакланган. Аслида футбол билан машғул бўлган ёшлар энг аввало креатив фикрлашни, вазиятдан чиқиб кетиш йўллари, жамоадошларини қўллаб-қувватлашни ва уларга вазиятлар яратиб беришни ўрганади. Футбол жисмоний ривожланиш билан бир қаторда, ўйновчиларда фикрлаш қобилиятини шаклланишида муҳим ўрин тутди. “Фикрлаш қобилияти скрипка ёки роял чалишга ўхшайди. У билан ҳар куни шуғулланиб туриш керак.”(Чарли Чаплин)⁷ Футбол орқали ривожланадиган яна бир жиҳат жамоа ҳимояланаётган бир пайтда ҳужум чизиғи вакилларининг ҳам мудофаа

вакилларига ёрдамга келишлари ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлашда бевосита иштирок этишларидир. Шу ўринда рақиб имкониятидан келиб чиқиб ҳимоя вакилларининг ҳужумларда самарали иштирок этадилар. “Олим Аширов- қад-қомати атлетикачилардай келишган футболчи эди, шерикларини ишончли равишда қўллаб-қувватларди, ўйинни яхши олиб борарди, тез-тез ҳужумга ўтиб, голлар урарди.”⁸ Футбол ўйнаш орқали болаларда шаклланадиган жиҳатлардан яна бири масъулиятлиликдир. “Масъулият” тушунчаси “жавобгарлик”, “ҳисоб бермоқлик” маъноларини англатиб, бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун жавобгарликни англатади. Ўзбек тилида “масъулият” тушунчасининг муқобили сифатида “жавобгарлик” тушунчаси бевосита қўлланилади. Масалан, давлат жавобгарлиги, ҳуқуқий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик ва ҳоказо... «Тарбия» энциклопедиясида «масъулият» тушунчасининг ижтимоий-фалсафий, педагогик ва психологик моҳияти очиқ беришга уринилган. Ишда дастлаб «масъулият» тушунчасига таъриф берилган.”⁹

Масъулият — хатти-ҳаракатлар ва унинг натижасига бўлган жавобгарлик ҳисобланади. Таъриф юзасидан қуйидагиларни билдириб ўтишимиз лозим: оқибат ва натижа мазмунан фарқсиз бўлиб, жараён, воқеа-ҳодиса ва хатти-ҳаракат яъни вазиятларнинг яқунини ифодалайди. Ўйин давомида ўзига белгиланган

⁷ <https://hikmatlar.uz/quote/2637>

⁸ Олег Базилевич. Тизим ёки футбол ҳақида ўйлар. Киев. “Украинский писменник” 2013, 171 б.

⁹ <https://moluch.ru/archive/300/67973/>



позицияда хатога йўл қўймаслик. “Агар мендан қайси футболчини ажратиб кўрсатар эдинг, деб сўрашса: жамоанинг юраги, унинг дарғаси Идгай Тазетдинов ҳисобланади. У ҳаддан ташқари фойдали ва ўта масъулиятли, ақлли ўйинчи эди.”¹⁰ Ёш ўйинчи масъулиятсизликка йўл қўядиган бўлса жамоасининг меҳнатини йўққа чиқариши ёки қийин аҳволга солиб қўйиши эҳтимоли мавжуд бўлади. “Бугунги кунда Англия терма жамоаси ва “Лестер” жамоаси ҳужумчиси Жейми Варди болалигидан футболнинг мухлиси ва асосий вақтини тўп тепиш ўтказувчиси бўлган. Лекин, Шеффилд шаҳрида у яшайдиган худудда ёшларнинг ичкиликбозликка берилишлари ортидан турли жанжаллар ва можаролар кўп кузатиларди. Бунинг оқибатида бир неча бор полиция вакиллари билан тўқнашувлар туфайли қамоқ жазосига ҳам ҳукм этилади. Оддий завод ишчиси бўлган Жейми кўчадаги бу муаммолардан ва полиция билан

тортишувлардан зеркиб ўз ҳаётини яннгитдан бошлаш ва иқтидорини намойиш этиш мақсадида футбол билан жиддий шуғуллана бошлайди. Табиийки, футболдаги кундалик қатъий тартиб ва жамоа масъулияти уни тамомила бошқа инсонга айлантирди. Ўз устидаги тинимсиз меҳнат ва уни пастки лига жамоаларидан “Лестер” жамоасига етаклаб келди. Клаудио Раньери мураббийлиги остидаги жамоада ўз ўрнини топиб 2016 йилда ўз жамоаси билан Англия чемпионлигини қўлга киритди.”¹¹ Футбол инсонда масъулиятлилиқ сифатларини шакллантиришдан ташқари шахсни муваффақият қозонишида асосий омил бўлиб ҳизмат қилади.

Ҳулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, бугунги кунда ёшларни девиантлик хулқ-атворлар таъсиридан асрашда ва соғлом ривожланишларида спортнинг, хусусан, футболнинг жамиятга таъсири салмоқли ўринни эгаллайди.

References:

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan quramiz. - T.: O'zbekiston, 2017. –B. 469
2. Энтони Гидденс, Социология-Тошкент: Шарқ, 2002.-Б. 81.
3. Одил Аҳмедов «Орзунинг шонли йўли»-Тошкент: Янги китоб, 2021.-Б. 5.
4. Фалсафа қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. –Б. 268.
5. Cruyff J. My Turn. –Amsterdam: Sport. 2010. –P. 90.
6. Nakata H. Amore Pace. –Osaka: Japanese. 2003. –P. 10.
7. Олег Базилевич. Тизим ёки футбол ҳақида ўйлар. Киев. “Украинский писменник” 2013, 171 б.
8. В. Сафаров. “Пахтакор 50 ёшда. Ярим аср йилномаси. Тошкент, 2006, Тошкент, А. Навоий нашр, 278 б.
9. <https://hikmatlar.uz/quote/2637>
10. <https://moluch.ru/archive/300/67973/>

¹⁰ В. Сафаров. “Пахтакор 50 ёшда. Ярим аср йилномаси. Тошкент, 2006, Тошкент, А. Навоий нашр, 278 б.

¹¹ <https://starsports.life/catalog/futbolisty/566-dzheimi-vardi>